

Фойдали Контактлар

УМУМРОССИЯ АХБОРОТ СЕРВИСЛАРИ:

www.guvd.mvd.rf – Россия Федерацияси ИИВ Миграция масалалари бўйича Бошбоқармасининг расмий сайти

www.trudvsem.ru – Россияда ишлаш: Меҳнат ва бандлик бўйича Федерал хизматининг умумроссия бўш ўринлар базаси

www.онлайнспекция.рф – Меҳнат ва бандлик бўйича Федерал хизматининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича электрон муурожаатларни қабул қилиш учун портали.

САНКТ-ПЕТЕРБУРГ ШАҲРИНИНГ АХБОРОТ СЕРВИСЛАРИ:

www.migrantinfo.spb.ru – мигрантлар учун интернет-ресурс, РФ миграция ва меҳнат қонунчилиги тўғрисидаги маълумотлар, мигрантларга маслаҳатлар, фойдали контактлар.

www.ksob.spb.ru/participants – Санкт-Петербург шаҳрининг «Мигрант бурчаги» ахборот шаҳобчаси билан жиҳозланган кутубхоналар тармоғи сайти.

САНКТ-ПЕТЕРБУРГ ШАҲРИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ИЖРИОЯ ОРГАНЛАРИ:

Санкт-Петербургдаги миллатлараро муносабатлар ва миграция сиёсатини амалга ошириш бўйича кўмита

Санкт-Петербург, Московский шоҳкўч., 10-12-уй.
Почта манзили: 191060, Смольний. e-mail: kmormp.gov.spb.ru.
Тел. 8 (812) 576-28-08.

ВКонтакте даги «Петербург қаноти остида» гуруҳи: vk.com/spbmigrant.

Санкт-Петербург ижтимоий сиёсат кўмитаси

(хорижий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган фуқаролар ва уларнинг оила аъзоларига ижтимоий кўмак кўрсатиш)
1900000, СПб, Антоненко торкўч., 6-уй, тел. 8 (812) 334-41-44,
ksp@gov.spb.ru

«Санкт-Петербург миллатлар уйи» СПб ДҒМ

СПб, Моховая кўч., 15-уй, литер А
Қабулхона тел.: 8 (812) 579-00-09. e-mail: info@spbdn.ru,
domnac@yandex.ru. Сайт: www.spbdn.ru

Россия ИИВ ББ Санкт-Петербург ва Ленинград вилояти миграция масалалари бўйича бошқармаси

Сайт: <https://78.mvd.ru/ms>
191028, СПб, Кирочная кўч., 4-уй литер А.
Тел. 8 (812) 579-47-92, 8 (812) 273-90-03,
қайноқ линия 8 (812) 573-30-02,
коррупция фактлари бўйича ишонч телефони 8 (812) 542-15-69.

– Меҳнат миграцияси масалалари бўйича бўлим (ишга жойлаш ва ҳужжатларни расмийлаштириш масалалари):
СПб, Красний Текстильщик кўч., 15-уй, тел. 8 (812) 318-06-26.

– Вақтинчалик яшашга рухсат бериш ва яшашга рухсатни расмийлаштириш бўлими:
СПб, Красний Текстильщик кўч., 10/12-уй, тел. 8 (812) 383-94-83,
8 (812) 383-94-91.

– Иммиграция назоратини ташкиллаштириш бўлими (миграция тўғрисидаги қонунларга риоя қилинишини назорат қилиш)
СПб, Фонтанка д. қиргоғи, 78-уй, тел. 8 (812) 314-61-91.

Давлат ва муниципал хизматлар кўрсатиш бўйича кўп функцияли марказлар (КФМ)

КФМ ягона маълумот бериш хизмати: тел. 8 (812) 573-90-00.
Санкт-Петербургдаги КФМ лар рўйхати манзиллари ва телефон рақамлари билан <https://gu.spb.ru/mfc/>

СПб да иш излаш ва хорижий фуқароларга ишга жойлаштиришда кўмаклашиш:

СПб «Меҳнат ресурслари маркази» ДМБ

Тел. 8 (812) 758-36-34, www.spbgauclr.ru. Меҳнат миграцияси масалалари бўйича қайноқ линия тел. 8-800-333-70-97.

СПб «Аҳоли бандлиги маркази» ДМБ

Тел. 8 (812) 571-00-41. Сайт: www.r21.spb.ru

Хорижий фуқароларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш:

Санкт-Петербургдаги давлат меҳнат инспекцияси (меҳнат ҳуқуқлари бузилган ҳолларда)
198095, СПб, Зоя Космодемьянская кўч., 28А-уй,
тел. 8 (812) 746-59-86, <http://git78.rostrud.ru>

Санкт-Петербург прокуратураси (хорижий фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, расмий шахсларнинг ноқонуний қарорлари ва ҳаракатлари устидан шикоят бериш)
190000, СПб, Почтамтская кўч., 2/9-уй, тел. 8 (812) 318-26-34,
<http://procppb.ru/reception> - интернет орқали муурожаатлар учун.

СПб даги инсон ҳуқуқлари бўйича ваколатли шахс (давлат органлари томонидан хорижий фуқаролар ҳуқуқларига амал қилинишини назорат қилиш)
СПб, Щербатов торкўч., 1/3-уй, тел. 8 (812) 374-99-39.

ЖАМОАТЧИЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ:

«ПСП-фонд» ХФ (меҳнат мигрантларига ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, маърифий ва ижтимоий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш)

СПб, Малая Конюшенная кўч., 1/3Б-уй, тел. 337-57-85.
Сайт: psp-f.org

«Ориентир» фонди

СПб, Римский-Корсаков кўч., 39-уй, ховлида,
тел. +7 (911) 253-85-01; (812) 385-69-89.

Россия Қизил хоч ташкилоти

СПб, Гончарная кўч., 19-уй, тел. 717-35-31, 8 800-333-00-16.

«Петербург болалари» (мигрантларнинг фарзандларига ёрдам)

СПб, Союз Печатников кўч., 7Б-уй, тел. 8 (911) 773-77-87.
Сайт: <http://detipeterburga.ru>

Аз чониби Кумитаи муносибатҳои байни миллатҳо ва тадбиқи сиёсати муҳоҷирати ш. Санкт-Петербург таҳия карда шудааст, 2018 с.



Санкт-Петербург шаҳридаги миллатлараро муносабатлар ва миграция сиёсатини амалга ошириш бўйича кўмита

САНКТ-ПЕТЕРБУРГ ШАҲРИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!



**МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИ УЧУН
Фойдали МАЪЛУМОТЛАР**

КЕЛИШНИНГ МАҚСАДИ – ИШ. НИМАЛАРНИ БИЛИШ ТЎҒРИСИДА ҚИСҚАЧА ЙЎРИҚНОМА

1. Россия Федерацияси чегарасини кесиб ўтишда Сиз миграция картасини тўлдирасиз.

МИГРАЦИЯ КАРТАСИ – бу хорижий фуқаро томонидан Россия Федерацияси (РФ) чегарасини кесиб ўтилганлигига шохидлик берувчи ҳужжат. Уни паспортда кўрсатилган маълумотларга мувофиқ ҳолда лотин ҳарфлари билан тўлдиришга рухсат берилади. Кейинчалик ишга жойлашиш учун «келишнинг мақсади» графасида ИШЛАШ ни кўрсатиш лозим.

2. Ҳар бир хорижий фуқаро РФ га келиши билан миграция ҳисобига туриши шарт.

МИГРАЦИЯ ҲИСОБИГА ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДАГИ БИЛДИРИШНОМА – бу хорижий фуқаронинг РФ га келишининг қонунийлигини тасдиқловчи асосий ҳужжати.

Миграция ҳисобига қўйиш тартиби Россия ИИВ туман даражаси ҳудудий органини хорижий фуқаронинг туриш жойига келганлиги тўғрисида хабардор қилиш (билдириш) ҳисобланади ва у хорижий фуқаронинг РФ га келган кунидан бошлаб 7 иш кунидан кечиктирмасдан (Тожикистон фуқаролари учун – 15 кун, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон фуқаролари учун – 30 кун, Беларус фуқаролари учун – 90 кун) амалга оширилиши керак.

Бунда шуни билиш керакки, миграция ҳисобига қўйишнинг барча процедураларини Қабул қилувчи томон амалга оширади. Хорижий фуқаро туриш жойига етиб келиши билан Қабул қилувчи томонга ўз паспорти ва миграция картасини тақдим этади.

Хорижий фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг Россия Федерациясига туриш жойи (бундан буён – туриш жойи) – яшаш жойи бўлмаган турар-жой ёхуд хорижий фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахс амалда яшайдиган (ухлаш ва дам олиш учун мунтазам равишда фойдаланадиган) жой.

Паспорт ва миграция картасини олиб қўйишга йўл қўйилмайди!

РФ да миграция ҳисобига туриш учун ҳужжатлар:

- Хорижий фуқаро паспорти (Ўзбекистон фуқароси учун биометрик маълумотларга эга бўлган янги намунадаги паспорт талаб қилинади).
- Паспортнинг нотариус томонидан таслиқланган таржимаси,
- Миграция картаси.

Қуйидагилар Қабул қилувчи томон бўлиши мумкин:

– РФ ҳудудида доимий яшовчи Россия фуқаролари ҳамда яшашга рухсатга эга бўлган хорижий фуқаролар ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар,

– хорижий фуқаро амалда яшайдиган юридик шахслар.
– хорижий фуқаро меҳмонхонага жойлашадиган ҳолларда меҳмонхона маъмурияти (ёки меҳмонхона хизматларини кўрсатувчи бошқа ташкилот).

Қабул қилувчи томон томонидан Россия ИИВ туман даражаси ҳудудий органини хорижий фуқаронинг туриш жойига келганлиги тўғрисида хабардор қилинганидан кейин Қабул қилувчи томон хорижий фуқарога Миграция ҳисобига қўйилганлик тўғрисидаги Билдиришноманинг йиртма қисмини беради.

Хорижий фуқарода Билдиришноманинг қўйилган қайдли йиртма қисмининг мавжудлиги унинг миграция ҳисобига қўйилганлигини тасдиқлайди.

Миграция ҳисоби қондаларининг бузилиши хорижий фуқаронинг жарима солиш кўринишидаги, алоҳида ҳолларда эса Россия Федерацияси ҳудудидан чиқариб юбориш ва РФ га ҳудудига 5 йил муддатга киришни таъқиқлаш билан биргаликда жарима солиш кўринишидаги маъмурий жавобгарликка тортилишига олиб келиши мумкин.

Беларус, Қозоғистон, Арманистон ва Қирғизистон Республикалари фуқаролари билан Меҳнат шартномасини тузиш учун паспорт, туриш жойи бўйича ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги билдиришнома, ИТС полиси, СТИР, СНИЛС ни тақдим этишнинг ўзи етарли.

РФ да қонуний ишга жойлашиш учун Ўзбекистон, Тожикистон Республикалари, Молдова, Украина, Озарбажон фуқаролари ишга бўлган патентни олишлари керак.

3. Патент олиш.

ПАТЕНТ – унинг учун ҳар ойда тўлаб бориш шarti билан РФ минтақаларидан бири ҳудудида ишлаш ҳуқуқини берувчи ҳужжат. Патентни расмийлаштириш учун ҳужжатларни РФ га қирилган вақтдан бошлаб 30 кундан кечиктирмасдан тақдим этиш лозим. Бу муддат бузилган ҳолларда жарима солинади.

Патент фақат у олинган РФ минтақаси ҳудудида амал қилади. Санкт-Петербургда ишлаш учун олинган патент Ленинград вилоятида амал қилмайди!

Санкт-Петербургда (СПб) ёки Ленинград вилоятида (ЛВ) ишлашга бўлган патентни Красний Текстильщик кўч. 15-уй манзилида жойлашган Россия Федерацияси ИИВ СПб ва ЛВ ББ ММБ меҳнат миграцияси бўлимида расмийлаштириш мумкин.

СПб ёки ЛВ да ишлашга бўлган патентни расмийлаштиришга қуйидаги манзилда жойлашган «Паспорт-виза сервиси» ФДУК кўмаклашади: Красний Текстильщик кўч., 15-уй, литер А, тел. 8 (812) 318-01-22, e-mail: spb@pvsnmvd.ru. Иш вақти: душанба-жума: соат 9:00 дан 18:00 гача. Тушлик вақти: соат 13:00 дан 14:00 гача. Дам олиш кунлари: шанба, якшанба.

Ишлашга бўлган патентни олиш ҳужжатларни фақат ШАХСАН ва фақат ИИВ ББ ММБ да патентни тўланганлиги тўғрисидаги қвитанцияни кўрсатган ҳолда тақдим этиш мумкин. Патент ариза берилган вақтдан бошлаб 10 иш кунни ичида расмийлаштирилади.

Патентни расмийлаштириш учун ҳужжатлар пакети:

- Патент бериш тўғрисидаги ариза. Ариза бланки ва уни тўлдириш намунасини Россия ИИВ СПб ва ЛВ ММБ ёки ББ бўлинмаларида бепул тарзда олиш мумкин <https://78.mvd.rf/ms>
 - Хорижий фуқаро паспорти.
 - Паспортнинг нотариус томонидан таслиқланган таржимаси.
 - Миграция картаси (қуйидаги қайд билан: ташриф мақсади – ИШЛАШ)
 - Миграция ҳисобига қўйилганлик тўғрисидаги билдиришнома.
 - Рус тилини билиши, Россия тарихи ва РФ қонунчилиги асослари бўйича билимга эгалиги тўғрисидаги сертификат.
- Сертификат 5 йил ичида амал қилади. СССР ҳудудида 1.09.1991 йилгача ўқув юртини (мактаб, билим юрти, техникум, олий ўқув

юртини) тугатганлик тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси; ёки 1.09.1991 йилдан кейин Россия ҳудудида ўқув юртини тугатганлик тўғрисида ҳужжатнинг асл нусхаси мавжуд бўлган ҳолларда сертификат талаб қилинмайди.

- Тиббий маълумотнома ва ОИТВ-инфекциясининг йўқлиги тўғрисидаги сертификат.
- Ихтиёрий тиббий суғурта (ИТС) полиси.
- 3*4 см ўлчамдаги 2 та рангли, ярқироқ бўлмаган фотосурат.
- патент учун 3 500 рубл ҳажмидаги аванс тўлови (2018 й.).

4. Патентни олгандан кейинги ҳаракатлар.

4.1. Ишга жойлашиш.

4.2. 11 ой давомида патентни тўлаш (яъни узайтириш).

ЖШДС аванс тўловининг тўланганлиги (яъни патентнинг узайтирилганлиги) тўғрисидаги қвитанцияни www.nalog.ru сайтида мустақил тарзда расмийлаштириш мумкин. Қвитанцияда хорижий фуқаронинг СТИР албатта кўрсатилиши керак. Исталган банк бўлимида тўлаш мумкин. СТИР (солиқ тўловчининг идентификацион рақами) патентда кўрсатилади. СТИР ни солиқ хизмати базасидан кўриш мумкин (www.nalog.ru).

Тўловларни тўлагандан кейин барча қвитанцияларни сақлаб қўйиш керак, улар керак бўлиши мумкин.

4.3. Патентни олгандан кейин Сиз 2 ой ичида Россия ИИВ ББ ММБ га меҳнат шартномасининг нусхасини юборишингиз керак.

Патентнинг максимал амал қилиш муддати – 1 йил.

Сиз РФ да ишлашни давом эттиришни режалаштираётган ҳолларда патентни қайтадан расмийлаштиришингиз керак.

5. Патентни қайта расмийлаштириш.

Патентни фақат 1 марта 12 ойдан кўп бўлмаган муддатга қайта расмийлаштириш мумкин. Патентни қайта расмийлаштириш учун ҳужжатлар аввал берилган патентда кўрсатилган бериш санасидан бошлаб 12 ойлик муддат тугашига 10 иш кунни қилишдан кечиктирмасдан Россия Федерацияси ИИВ СПб ва ЛВ ББ га тақдим этилади.

Хорижий фуқаро патент асосида РФ ҳудудида 2 йилгача бўлиши мумкин, яъни бир йилга берилган биринчи патент РФ ҳудудидан чиқмасдан туриб яна 1 йилга узайтирилиши мумкин.

Патентни қайта расмийлаштириш учун ҳужжатлар биринчи расмийлаштиришдаги ҳужжатлар (3-бандга қаранг) мос тушади. Яна қуйидагиларни илова қилиш лозим:

- Патентни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза;
- Иш берувчидан: хорижий давлат фуқароси учун патентнинг амал қилиш муддатини узайтириш сўрови;
- Меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш тўғрисидаги фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси.
- Биринчи патентни тўлаганлик тўғрисидаги қвитанция.